ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 31-32 (163-164) | 2000 йил 26 апрель, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ҚЎМИТАСИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида фаолият бошлаган Демократик институт нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳақида гап борар экан, аввало, ҳозирги кунда мамлакатимизда жамиятнинг энг юқори шакли, демократиялаштиришнинг зарурий унсури ҳисобланган адолатли фуқаролик жамиятининг тамал тоши қўйиб бўлинганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бугунги кунда янги Парламент жамоатчилик томонидан кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жабҳасида муҳим янгилик, том маънодаги давр талаби сифатида эътироф этилмоқда. Фикримизча, бу бежиз эмас. Дарҳақиқат, Парламент ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан муайян демократик ислоҳотлар ҳисобига янгиланди. Биргина шаклий ўзгаришларни оладиган бўлсак, Олий Мажлис раҳбарияти таркиби такомиллашув ҳисобига бир қадар ихчамлашди, аввалги қўмиталар тизими янада мукаммаллаштирилиши баробарида, янги қўмита ва комиссиялар ташкил этилди.

Парламентда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ташкил қилиниши билан ўзбек миллий демократик давлатчилик қурилиши сиёсатини ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини эркинлаштириш йўлида яна бир ижобий одим қўйилди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу Қўмита жаҳон ҳамжамияти давлатлари парламентлари тажрибасида илк бор бизнинг Олий Мажлис таркибида барпо этилди ва унинг тузилиши жаҳон парламентаризмининг илғор анъаналарига, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан қўйиладиган барча халқаро андозаларга тўла жавоб беради.

Қўмита аъзолари сафига республикамизнинг аксарият вилоятларидан Олий Мажлис депутатлари кирдилар. Улар орасида акциядорлик жамиятлари, ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, давлат идораларининг масъул ходимлари, ҳокимлар, шунингдек, таниқли сиёсатчи ва ҳуқуқшунос олимлар бор. Қўмитада Парламентдаги деярли барча фракциялар ва блоклар вакиллари жамланди.

Хўш, янги Қўмитанинг мақсад ва вазифалари, асосий фаолият йўналишлари нималардан иборат?

Аввалambор, Қўмита фаолиятининг биринчи асосий йўналиши - бу қонун ижодкорлигидир. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболли йўналишларидан бири - ҳокимият ваколатларини босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб беришнинг ҳуқуқий мезонларини яратиш Қўмитанинг асосий мақсадларидан бири эканини қайд этиш ўринлидир. Янги Қўмита халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган ана шундай ижтимоий ўзини ўзи бошқариш тизимлари олдидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш баробарида, бу борада амалда бўлган қонун ҳужжатларини тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда такомиллаштириб боради. Қўмитанинг 2000-2004 йилларга мўлжалланган иш режасида мазкур йўналишда бир қанча қонун лойиҳалари устида ишлаш, айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун таклифлар тайёрлаш кўзда тутилган. Айни чоғда, Қўмитада «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтмоқда.

Қўмита фаолиятининг иккинчи муҳим йўналиши - бу мавжуд қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишдан иборат. Хусусан, шу йилнинг февраль-март ойларида Қўмита ишчи гуруҳи «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида бажарилишини ўрганди. Ушбу масала Қўмита билан Регламент, одоб ва депутатлар фаолияти таъминоти комиссиясининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди.

Қўмита фаолиятининг учинчи йўналиши - бу Олий Мажлис сессиялари материалларини тарғибот ва ташвиқот қилишдир. Парламентнинг дастлабки сессиясидан сўнг Қўмита аъзолари ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказиб, сессия мажлисларида кўриб чиқилган масалалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дастуриламал маърузасида жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида олдимизга қўйилган долзарб вазифалар тўғрисида сайловчиларга сўзлаб бердилар. Қўмита томонидан февраль ойида сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, чет эл элчихоналари ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирокида тўртта давра суҳбати ўтказилди.

Бундан ташқари, Қўмита инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва хорижий ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўяди. Қўмита раиси Акмал Саидов билан Будапешт-Очиқ Жамият Институти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тармоғий дастурининг директори Андриан Иоческу ва шу дастур бўйича лойиҳа менеджери Ондреж Шимек ўртасида бўлган учрашувнинг асосий мавзуси ҳам ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга бағишланди.

Янги Парламентнинг янги Қўмитаси ана шу масъулиятли ва буюк мақсадларни рўёбга чиқаришда ўз фаолияти билан муносиб ҳисса қўшиб, мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилишига ишончимиз комил.

Гулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси котиби.

ШУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

- Анҳор, ҳовуз, фаввора, чиғириқ, чархпалак маҳаллага файз бағишлайди.
- Уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш давр талабига айланаётир. Лекин бу иш нега пайсалга солинаяпти?
- Солиқчига оқсоқол кўмакдош.
- Йиллар енголмаган хотира: марҳумлар ҳақига эллик йилдан сўнг жаноза ўқилди.
- Бўзсув қанчадан-қанча бўзлаган юракларнинг дардини тинглаяпти.
- Қадриятлар эъзозда, аммо...

3-саҳифасида:

- «Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб»нинг янги нашри анча мукаммаллашди.
- Ҳинду йог санъати туфайли ҳожатхонага эҳтиёж сезмайди.
- Маҳалладошларимизнинг кўпчилиги томорқада ишлаб, даромад кўришади. Қариган чоғларида уларни пенсия тўлови билан рағбатлантириш мумкинми?
- Махфий ҳужжатлар ошкор этилганда... маршал Г.Жуковнинг Н.Хрушчёвга ёзган мактуби юзага чиқди.

4-саҳифасида:

- Саркори олам айтдилар: «Кимки молининг айбини беркитиб сотса, Аллоҳнинг ғазабига учрайди»
- Бир болага етти қўшни ота-оналик қилармиш. Бу қўшнилар нобоп бўлса-чи?
- Тошкентдан бадарға қилинган қўшнимизни йўқлаб борсак, қорнимизни тўйдирди.
- Огаҳий Навоийнинг «қуёш...»-идан баҳра олганми?

Маҳаллани дунё қандай тушунмоқда

ВЕРСАЛДА МАШҲУР МАҲАЛЛА

Мамлакатимизнинг ўзига хос тузилмаси - маҳаллалар фаолияти бугунги кунда дунё аҳлининг эътиборига тушди.

Айни дамда кўплаб халқаро ташкилотлар бу тузилма ишини ўрганишга, у билан ҳамкорлик қилишга киришишди. Яқинда мамлакатимизда бўлган Франция корхоналар ассосацияси вице президенти Пол Бернар ва «СУЭЗ ЛЕОНИЗ ДЕЗ О» компанияси раиси маслаҳатчиси Иван Шере пойтахт маҳаллаларида бўлишди. Меҳмонлар Республика Оқсоқоллар кенгашида бўлиб, кенгаш раиси Ш.И.Жалилов билан бўлган учрашувда, янги-янги маълумотларга эга бўлишди ва Ўзбекистонда бу ўзига хосликдан ҳайратга тушганликларини эътироф этишди. Яқинда эса меҳмонлар хотирасини ўз иш тажрибалари билан бойитган Собир Раҳимов туман «Чиғатой оқ тепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов номига қуйидагича мактуб келди:

«ВЕРСАЛЬ. 16 АПРЕЛЬ, 2000 ЙИЛ.

Тошкент шаҳар «Чиғатой оқ тепа» маҳалласи раисига!

Ҳурматли жаноб раис!

Францияга қайтиб келганимдан сўнг, Академияда маъруза ўқишим сабаби билан маҳаллангизда мен ва менинг дўстларим учун уюштирилган ҳайратомуз қабулингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқдаман.

Мен маҳаллангиздаги қилинаётган ишлардан, хусусан, камдаромадли оилаларга ёрдам, шифохона, дорихона, ёшлар клуби, мўйнали кийим тикиш цехи ва маҳалла фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилардан бениҳоя таъсирландим. Фуқаролар маҳаллий бошқарувида бундай ишларни амалга ошириш мен учун бир тушдай бўлиб туюлди.

Шуни айтишим лозимки, маҳаллангиздаги ташрифимдан сўнг мен бу борада қаерда суҳбат уюштирсам, ўзини ўзи бошқарувда инсонлар қандай натижаларга эришиши мумкинлиги тўғрисида албатта Сизнинг маҳаллангизни мисол қилиб келтираман.

Ҳурмат билан ИВАН ШЕРЕ»

Кўз олдимизда улғаяётган фарзандларимиз яқин-келажакда юрт юмушини зимасига оладиган баркамол инсонлар бўлиб етишишади.

«Mahalla» ҳақида фикр

ГАЗЕТА КЎНГЛИМИЗНИ ТОПМОҚДА

«Mahalla» газетасига менинг муносабатим айрича. Негаки, кейинги пайтларда унинг саҳифаларидан халқимиз юраги тубида ётган гаплар, айтолмай изтиробда қолган дил дардлари доимий равишда жой олиб туради.

Шунинг учун ҳам бир мухлис сифатида мен бу газетани жон дилдан яхши кўраман. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан ўқиб чиқаман. Айниқса, Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг мақолалари таъсирчанлиги билан мени лол қолдирганини таъкидлаб, таҳририятга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи эдим.

Шунингдек, «Mahalla»да чоп қилинган «Суд қарор қилди» мақоласи ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Чунки иш фаолиятимиз давомида мақолада кўтарилган муаммоларга биз ҳам дуч келамиз. Турмуш қийинчиликларига дош беролмаган, ўз кайфу сафоси деб неча йиллик муқаддас оила қўрғонини бузган, гулдек фарзандлари қалбини яралаган одамлар, у хоҳ она, хоҳ ота бўлсин, абадий нафратга дучордир.

Шуни ҳам таъкидлаб айтмоқчи эдимки, биз соғлом авлод, соғлом жамият қуриш истагида яшаётган ва яшлаётган эканмиз, орамизда бундай кимсаларга асло ўрин бўлмаслиги керак.

Мухтасар қилиб айтганда, мен таҳририят ходимларидан ҳам, юқорида тилга олинган мақолалар каби долзарб мавзуларда чиқишлар қилаётган изланувчан мухбирлардан ҳам жуда-жуда миннатдорман.

Розия НАЖМИТДИНОВА,
Наманган вилояти, «Дамбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси.

Самарқанд

БЕГМОН ОТАНИНГ УЗУМИ ПИШДИ

Пастдарғом тумани Саид Бекмуродов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Бегмон ота Жонибоев иссиқхонада узум етиштирди ва унинг узумлари кечи билан 15 март куни гарқ пишди.

- Тажрибамиз ўзини оқлади, - дейди боғбон. - Энди май ойида иссиқхонани очамиз. Узум токлари шундан сўнг иккинчи умрини бошлайди, яъни табиий об-ҳавода ривожланади ва иккинчи ҳосилга киради.

Ҳа, Бегмон отанинг 15 мартда пишган узумлари дастурхонга тортилди. Кузда эса ўша узум токлари яна ҳосил беради.

«MAHALLA» мухбири.

Муносабат: 8 март - «Сиз севган лайлакларни қурбон қилишмоқда, Саид Аҳмад домла», 19 апрель - «Лайлакларни омон сақлаймиз»

МИНГБУЛОҚДАН ЛАЙЛАКЛАР КЕТМАЙДИ

Уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Набижон Қорабоев узоқ йиллар Оққум мавзесига жойлашган «Наманган» жамоа хўжалигига оқилона раҳбарлик қилди. У обод қилган жойлардан уч гектарли пахтазор эса лайлакзор деб ном олди.

- Бир кун, - дейди Набижон бобо, - идорамиз ёнидаги лайлакзорга бир гуруҳ монтёрлар келиб лайлак уяларини бузиб, устунларини зарур жойга оламиз, деб шайланиб туришибди. Биттасини бузишибди ҳам. Ғазабланганимдан гапиролмай қолдим. Туман раҳбарларини орага солиб электр устунларини ўрнида қолдирдим. Кейин билсам, кўп уяда лайлакларнинг учирма бўлмаган болалари ҳам бор экан.

Лайлаклар билан ҳар куни кўришамиз. Улар бизга, биз уларга ўрганиб қолганмиз. Бир куни Қуруқсой мавзесида дала айланиб юрсак, енгил машинамиз тепасида икки-учта лайлак доира ясаб айланаверди, айланаверди. Лайлаклар ҳеч бундай паст учмасди. Қарасак, қушлар қандайдир безовта. Бу лайлаклар ҳаракатида қандайдир сир бор дедигу, лайлакзор томонга шошилдик. Не кўз билан кўрайликки, уч-тўрт нафар болалар битта лайлак уяга чиқиб, унинг полопонларини олиб, ўйнашга шайланиб туришган экан. Болаларни пастга туширдик. Иккинчи ундай қилмасликларини тушунтирдим ҳамда мактаб жамоасига ҳам бу воқеа такрорланмаслиги кераклигини тайинладик.

РИВОЯТ

Нақл қилишларича, лайлаклар ўз оиласига садоқатда тенгсиз ва собитдирлар. Лекин уларнинг ишига одам боласи аралашиб бир фожеага сабаб бўлганмиш. Она лайлак тухум босиб ётганда, бир киши битта тухумни товуқ тухумига алмаштириб, ўз кашфиётидан завқ олмоқчи бўлибди. Ота лайлак жуфтига тинимсиз озуқа ташибди. Ўзи оч қолса ҳам жуфти ҳалолини тўйдирибди. Жўжалар очилгач, инида товуқ жўжасини кўрган ота лайлак тинчини йўқотибди. Хиёнатда айбланган она лайлак ўзини оқлай олмабди. Сўнгги чорани қўллабди. Полапонлари турган ин устида бир неча бор айланиб учиб, унсиз нидо қилибди. Осмону фалакка кўтарилибдию, қанотларини йиғиб олиб ўзини ерга улоқтирибди...

Юқорида келтирилган ҳақиқат ва ривоятни мингбулоқликларни оқлаш учун айтмаяпмиз. Эл оғзидан эшитганимизни ёзиб олдик. Гап шундаки, илгари мингбулоқлик болалар ҳам «Лайлак келди, ёз бўлди, қаноти қоғоз бўлди», деб ашула айтишарди. Энди эса лайлаклар юртимизни қишин-ёзин тарк этмай қолди. Улар қишлоқларимиз, далаларимиз файзи. Чордана қишлоғида, Оққум мавзесида, Қуруқсой томонда, «Гулбоғ» жамоа хўжалиги ҳудудида электр, телефон тармоқлари устида қаторлашиб ин қурган лайлакларни ҳар доим кўриш мумкин. Уларни буғдойзорда, пахтазорда, шолипояда, коллектор қирғоғида, қум барханлари устида, дарё бўйларида учратиш мумкин. Улар эмин-эркин юришибди. Оёғи, қаноти лат еган лайлакларни уйда даволаб, учириб юборган ҳамқишлоқларимиз бу ишлари билан фахрланиб юрибдилар.

Биз табиатнинг бир бўлагимиз. Уни асраб-авайлаш инсоний бурчимиз. Лайлаклар юртимизни севиб қолган экан бу билан фахрланамиз. Мингбулоқликлар ундан меҳр-мурувватини аямайди. **Мингбулоқдан лайлаклар кетмайди, Саид Аҳмад домла!**

Ривожиддин МАДАМИНОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Мингбулоқ тумани бўлинмаси раиси.
Тўлқин РАҲИМОВ,
туман «Истиқбол сари» газетаси муҳаррири.

Уй-жой мулкдорлари ширкати - давр талабидаги тизим

ҚАЧОН ИСИТИШ МУРВАТИНИ ЎЗИМИЗ ЁҚАМИЗ?

- Иккинчи йилдирки, қишки мавсумда уйларимиз яхши иситилмайди, - дейди Сирғали туман Маданият маҳалласига қарашли 7-кўпқаватли уйда яшовчи қария.

- Икки йил дейишимга сабаб бор - 1998 йилда 4-сонли хўжалик ҳисобидаги турар-жойлардан фойдаланиш ташкилоти (ХЖЭО) «дом»имизни «капитал таъмир»дан чиқардию, дардимизни янгилаб кетди.

Ушбу суҳбатдошимиз ва унга қўшни бўлиб яшайдиган бошқа аҳолининг гап-сўзига қараганда, капитал таъмир вақтида ертўладаги иситиш қувурлари алмаштирилаётиб, иссиқ сув айланиши тескари ўрнатиб қўйилган экан.

Ҳозирги кунда хўжалик ҳисобидаги турар-жойлардан фойдаланиш ташкилоти (ХҲТЖФТ)га ҳеч кимнинг иши туша кўрмасин, деб таъкидлашди яшовчилар. Уй ёки хонадонингиздаги жўмрак бузилгудек бўлса, унинг баҳосини нақд 1,5 минг сўм дейди!

Маълум бўлишича, ёзги мавсумда ертўла қувурларидан сув томиб, ҳаммаёқ кўлмак бўлиб ётаркан. Ахир кўлмак сув чивин-пашша, каламуш чақиради-ку, бу антисанитар ҳолатга қарши курашишмайдими, деб сўраган эдик, «Чивинларни ўз кучимиз билан даф этаётирмиз, деган жавоб эшитдик.

- Тўғри, уй-жой пулини йиллаб тўламаётган аҳоли ҳам мавжуд, лекин қизиғи шундаки, бизда - пенсионерлар орасида ташкилотдан қарздор бўлиб қолганларни кам учратасиз.

(Давоми 2-бетда.)

МАҲАЛЛА КИЧИК БОҒ-ШАҲАРЧА БЎЛСА

Маҳалла қиёфасини сиз қандай тасаввур қиласиз?

Халқимизнинг аждодларимиздан-аждодларга ўтиб келаётган ўзбекона миллий турмуш тарзи, орзу-ўйлари, фалсафаси, қистуйғулари, ижоди, санъати, илм-маърифати, тафаккури маҳаллада мужассамдир. Миллатнинг миллатлигини, юз-кўзини кўрсатадиган маҳалладир. Маҳалла халқимизга хос ушбу маънавий, моддий бойликларни, халқимизнинг тарихий-илмий, маънавий аҳамиятга эга бўлган қадриятларини, анъаналарини, урф-одатларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, муҳофаза қилиб, такомиллаштириб, йиғиб-ўрганиб тарғиб қилиш учун махсус муассаса вазифасини бажарувчи бирламчи бошқарув тизими, шаклланган маскандир.

(Давоми 2-бетда.)

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 622, 635-хоналар.

Хатлар учун: 700011, Тошкент-11, а/к 7168

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-57-62, масъул котиб 144-34-24 ижодий бўлимлар— 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34, 133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

МАҲАЛЛА КИЧИК БОҒ-ШАҲАРЧА БЎЛСА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўғри, юртимизда ҳозир кўпқаватли уйлар, айрим ишхоналарга мансуб ҳудудлар асосида ташкил топган маҳаллалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бирининг халқимиз ҳаётида ўз ўрни бор. Лекин Ўзбекистонга, ўзбекларга, аждодларимиз турмуш тарзига муносиб ўзбек халқининг ўзлигини билдирадиган, жаҳонга танитадиган миллий тузилма - маҳаллани ҳар томонлама ўрганиш жуда зарур бўлмоқда. Бунга тараққий этган чет эл мамлакатларида ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.

Элимизга шундай маҳаллалар керакки, унга ташриф буюрган одамлар, унда халқимизнинг тарихини, аждодларимиз руҳиятини, ақлини, дидини, бой меросини, одатларини, феъл-атворини, турмуш тарзини тўлиқ тасаввур этсин, элимизга, халқимизга, юртимизга ҳурмати уйғонсин, муҳаббати ортсин.

Тарихий ташкил топган, ўзимизга хос, дунё тажрибаси ва замонавий ютуқларга, имкониятларга таянган маҳаллалар ўтмишдаги айрим унсурлардан воз кечилган ҳолда халқимиз ҳаётини ҳар томонлама акс эттирадиган жонли мўъжаз шаҳарча тусида намоён бўлсин.

Кейинги йилларда давлатимиз жуда катта маблағ сарфлаб замон талабларидан, элимиз манфаатларидан келиб чиқиб, яшаш учун қулайликларни ўйлаб, қадимий, нураб бузилиб кетаётган пастқам, эски турар жойларни қайта қурмоқда. Халқимизнинг дуосини олмоқда. Бу қурилишлар халққа улкан моддий, маънавий фойда келтирмоқда.

Бинобарин, мўстақилликка эришганидан сўнг, барча ишларимизни жаҳон андозалари асосида қилишга бел боғлаган эканмиз, миллий, ноёб маҳаллаларимиз ҳам шу талаб даражасида, ундан-да устун бўлмоғи лозим.

Маҳалламиз, иқлим шароитимизни, халқимиз турмуш тарзини, табиат инъом этган ер-сувимизни, миллатимиз хоҳиш-иродасини, сайллари, уларда мардликка, масрурликка, маънан ҳам жисмонан етукликка, иймон-эътиқодга, жамоат бўлиб яшаш афзалликларига чорловчи дорбозлар ўйини, чавандозлар пойгаси, улоқ сингари ўйин-кулгуларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши, миллий халқ меъморчилик ва боғдорчилик маданиятининг энг муҳим томонларини мужассамлаштирган очиқ ҳаводаги боғ-шаҳар усулида бунёд этилмоғи орзуимиздир. Ҳар бир маҳаллани тўрт томондан кириб келадиган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби йирик шаҳарларнинг дарбозалари каби гўзал, кўркам дарбозалар бўлмоғи муддаодир. Шунингдек, тарихий жараёнларда қарор топган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, халқимизнинг кундалик ҳаёти учун зарур хизматларни бажарган иншоотлар: автомашиналар тўрадиган карвонсарой, бозорча, дўкон, сайр этадиган чорбоғ, хиёбон, гузар, чойхона, нонвойхона, ҳаммом, томошахона, музей, масжид, ёзги ҳам қишки тўйхона кабилар боғ маҳаллада ўзининг ўрнини топиши зарур. Анҳор, ҳовуз, фаввора, чиғириқ, чархпалак маҳаллага файз бағишлайди.

Босқичма-босқич кучли давлатдан кучли жамиятга ўтар эканмиз, маҳалла унинг таянчи бўлиб қолар экан, албатта унинг девони учун маъмурий мўъжаз бино бўлиши муҳимдир.

Дарвозалардан кириш билан йўлканинг икки қанотида Марказий Осиёда етишиб чиққан афсонавий қаҳрамонлар, халқ достонларининг, миллий романларнинг қаҳрамонлари маҳалланинг номини улуғловчи катта хизматлар кўрсатган маҳалладошларнинг қатағон ҳамда Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган аждодларнинг ҳайкаллари, муборак номлари кутиб олса, қандай таъсирли. Ҳар бир тарихий сиймо у ҳақдаги суҳбатлар, тарихимизга, аждодларимизга, улардан қолган ибратларга, умуман ўзбек халқига муҳаббатларини тобларди.

Айниқса, ёшларда келажакка ишонч, тарихда қолажак ишларига, номларига умид бағишларди.

Гузарнинг маърифатхонаси, кутубхонаси, турли дам олиш, учрашувлар ўтказиш, кино, видеофильмлар кўрсатиш заллари бўлса. Маърифатхонада ҳовлида ўрнатилган ёдгорликлар ҳақида сўзловчи маълумотлар китоби, газета-журналлар сақланса. Деворларида мустақилликка бағишланган махсус кўргазмалар турса, ўлка ва халқ ҳаёти билан атрофлича таништирса.

Тарихий замонавий маҳалла - кичик боғ-шаҳарча ҳақида яна кўп фикрлар, таклифлар айтиш мумкин. Бизнинг яхши ниятимизни давом эттириб, унга ўзгартиришлар киритиб, тўлдириб, бойитиб бориш ҳурматли газетхонларга ҳавола. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов республикамиз маҳаллаларини, хусусан, Тошкентнинг «Эски шаҳар» қисмини замон талаблари асосида қайта қуриш масаласига эътибор қаратган бир пайтда, бу каби фикр-таклифларимиз фойдали, қизиқарли бўлар, деган умиддамиз.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Республикамизда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамғармалари бўлимлари фаолият кўрсата бошлаганига бир неча йил бўлди.

ДАНИЯДАН ТОРТИҚ КЕЛДИ

Ушбу нодавлат ташкилотларнинг асосий вазифалари мискин ва бечораларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, бугунги кунда уларнинг ёрдам қўли етмаган макон йўқ ер юзида.

Яқинда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятининг Даниядаги ва республикамиздаги бўлимлари ҳамкорликда яна бир савобли тадбирни амалга оширдилар. Тошкент шаҳри бўйича 850 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларга 24 килограммдан Даниядан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Жумладан, Сирғали тумани бўйича 98 та камхарж оила океанорти неъматларидан баҳраманд бўлди.

Шукрки, юртимизда тинчлик, тўкин-сочинлик. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий ва маънавий қўллаш ҳақида ҳукуматимиз етарли даражада қайғурмоқда. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамғармаларининг асосий диққат эътибори урушлар ва табиий офатлардан азият чекаётган юртларга қаратилган бир пайтда, юқоридаги тадбир республикамиз ва чет элдаги нодавлат, жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятига далил сифатида жуда аҳамиятлидир.

М.ҚОСИМОВА.

Марҳумлар руҳи уйғоқ

1998 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилояти ҳокими номига кўпчилик имзо чеккан мактуб юборилди. Унда Қибрай тумани Салор қўрғони ҳудудида топилаётган одам суяклари ҳақида сўз борарди. Мактубни вилоят «Олтин мерос» жамғармаси ихтиёрига беришди.

ЯРИМ АСРДАН КЕЙИНГИ ЖАНОЗА

Биз зудлик билан Салорга бордик. Ўша ерда асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Виталий Коротков билан учрашдик, у бизга мактубда келтирилган жойни кўрсатди.

Ноябрь охири - декабрь ойининг бошида биз ўрганиш ишларини олиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам бу ерда кўплаб одамларнинг суяклари чиқаётган эди.

Қиш ўтгандан сўнг Салорда яна ишларни бошлаб юбордик. Жамғармамизнинг махсус экспедицияси бор. Унинг номи «Прометей».

1999 йилда «Прометей» экспедицияси 15 ёшга тўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жангоҳларда қолган ўзбек аскарларининг суякларини топиб, кафанлаб жаноза билан дафн қилиб, биродарлик қабристонларини яратиш - экспедициямизнинг асосий вазифасидир.

1999 йилнинг 16 апрелида Бўзсув бўйида экспедициямиз ўз ишини бошлади ва етти ой давом этди. 16 апрелда бошланган иш 26 ноябрда, вақтинча тўхтади. Қиш ўтгандан сўнг экспедиция яна ўз ишини давом эттиради.

Ишимиз қизиб турган бир пайтда республикамизда оламшумул аҳамиятга эга ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги фармойиши биз учун йўлчи юлдуз бўлди.

Баҳорда, ёзнинг жазирамали кунларида, кеч кузда ишимизни тўхтатганимиз йўқ. Беш кишилик гуруҳимиз 62 одамнинг суякларини салкам уч метрлик қўрғондан қазиб олди. Бўзсув дарёси ва Салор канали оралиғидаги биз ишлаётган ҳудудда минглаб юртдошларимиз қолиб кетган, улар ким, қаердан, нима учун ўлдирилган? Уларнинг яқинлари борми? Бу саволлар ҳозир ҳам жавобсиз қолмоқда, лекин изланиш давом этмоқда.

25 ноябрда 62 жасадни кафанладик, биродарлик қабрини қазиб тайёрлаб қўйдик.

26 ноябрда ярим аср илгари фожеали ҳалок бўлган юртдошларимизга жаноза ўқилди. Бу ерда турли миллат вакиллари ётибдилар. Шунинг учун бу ерда мусулмонча жаноза ва христианча панихида маросимлари бўлиб ўтди. Ярим асрдан сўнг жигарларимизга кафан, жаноза, қабр ва гулчамбарлар насиб этди.

У ерда Салор ГЭСи иштирокчилари ётибдилар, қамоқхонада «халқ душмани» деб отилганлар ётибдилар.

Салор қўрғони фуқаролар йиғини, оқсоқоллар кенгаши, атрофдаги маҳаллаларнинг раҳбарлари, кекса отахонлар, вилоят «Маҳалла» жамғармаси - ҳамма-ҳамма экспедициямиз ишига ёрдам бериб, биз билан бирга бўлишди. «Наврўз» ва Қизил Ярим ой вилоят жамғармаларининг ёрдамлари ҳақида алоҳида сўз юритсак. Эндиги ниятимиз бу ерда Тошкент вилоятининг «Шаҳидлар хотираси» мажмуини ташкил қилиш, Икки сув оралиғидаги бу ҳудуд зиёратгоҳга айланиши керак. Бу ерга келган ҳар бир одам мустабид тузумнинг қурбони бўлган жигарини ёдга олади.

Ҳозир шу ҳудуддан бир гектар ер ажратилиб, атрофини ўраб, ободонлаштириш кўзда тутилган. Биз 1999 йили қўлдан келгунча бу ерларни тозаладик, Тошкент шаҳар фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Ҳожиакбар ака Расулов эса бошқарма ҳисобидан мармардан ишланган қабр тошини ўрнатдилар.

Ҳозир экспедиция қазиш ишларини давом эттирмоқда. Бўзсув пастки қатламларида ётган суякларни ювиб кетяпти. Биз ўша суякларни олиб, уларни ҳам дафн қилишимиз керак. Сўнг сув четлари мустаҳкамланади. Ҳозирги кунда бўлажак мажмуа лойиҳаси устида иш бормоқда.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
«Олтин мерос» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси, экспедиция раҳбари.

Суратларда: топилган жасадлар қолдиқларини дафн этишга ҳозирлаш ва дафн маросими.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҚАЧОН ИСИТИШ МУРВАТИНИ ЎЗИМИЗ ЁҚАМИЗ?

Маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Н.Эргашеванинг сўзларига қараганда, жорий йилнинг февраль ойида маҳалла оқсоқоли, ХҲТЖ-ФТ мутахассислари билан биргаликда «Маданият» маҳалласига қарашли 26 та уй аҳолисидан турар-жой тўловлари йиғиб чиққан. 24 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, моддий жиҳатдан қийналган оила учун «Маданият» маҳалла идораси 120 минг сўм пулни уй тўловлари учун ўтказиб берди. Шунингдек, мазкур 24 хонадонга квитанциялар топширилди.

- Шунга қарамай, шахталардан сув оқиб ётиши, уйларнинг яхши иситилмаслиги қаттиқ назоратга олиниши лозим, - деб фикр билдирди маҳалла котибаси.

Газетамизнинг ўтган сонларида Собир Раҳимов туманидаги «Галаба», «Обод» маҳаллаларидаги Уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берган эдик. Ушбу маҳалларда барча хизмат турлари ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига ўтгани, уй соҳибларининг маблағлари аниқ йўналишларга сарфланаётганини ёзгандик. Мулкчиликнинг турли шаклларига ўтилаётган, ҳокимият идораларининг кўпгина ваколатлари ўзини ўзи бошқариш органларига кўчирилаётган айни ислоҳотлар даврида аҳолининг ўзидан ташаббускорлик, ғайрат-шижоат талаб қилинаяпти, холос. Агар жойлардаги ЖЭК, ЖЭУ, ХЖЭО сингари ташкилотларнинг иш фаолиятидан қониқмайдиган бўлинса, ҳар бир маҳалла негизида уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузиш имконияти ҳозир мавжуд. Хўш, бу тажриба нега бу маҳаллаларда йўлга қўйилмаяпти?

Биз «Маданият» маҳалласи фуқароларининг 4-сонли ХҲТЖФТ га бўлган таъна-дашномлари қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билиш учун ташкилот раҳбари ўринбосари Равшан Мирзараҳмедовга учрашдик.

- «Маданият» маҳалласида, айниқса, 7-, 6-уйларда иситиш бўйича муаммолар борлигига мен ишонгим келмайди, - деди Р.Мирзараҳмедов. - Бу уйларнинг қувурлари тўла-тўкис таъмирдан чиқарилди. Ертўла ишлари бажарилаётганида шахсан ўзим ҳам бориб назорат қилганман.

ХҲТЖФТнинг уй соҳиблари билан тузилган шартнома мундарижасига келганда, бу ҳужжат қоғозлари биз томондан эмас, Коммунал хизмат вазирлиги томонидан тузилган.

Бундан ташқари, кўпқаватли уйлардаги хонадонлар бугунги кунда аҳоли томонидан сотиб олинган бўлиб, ҳозирда улар хусусий мулк ҳисобланади. Шундай экан, хусусий мулк хонадондаги барча таъмирлаш ишлари мулкдорнинг ўз ҳисобидан амалга оширилар экан. Фақат умумий фойдаланишдаги том, подъезд йўлкаси, ертўла, шахталар ХҲТЖФТ томонидан таъмирланар экан.

- Бугунги кунда маҳаллаларда уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш қай аҳволда давом этмоқда?

- Бу анча мушкул иш бўлгани учун бизга қарашли бешта маҳаллада ҳали бундай ширкат тузилгани йўқ. Тўғри, Сирғали тумани бўйича шундай ширкатлар тузилиб, аллақачон иш бошлаб бўлган. Лекин бу ташаббус ҳали кенг қулоч ёзганича йўқ. Одамларда ҳалигача хавотир бор - янги тизим ташкил бўлса, ишлар қандай кетаркин, деган!

Уй-жой мулкдорлари ширкати тузилгандан кейин аҳолининг туриш-турмуши ошкора кўзга ташланади. Маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бўлган бундай Ширкатлар уй-жой тўловларини ҳам тўлиқ йиғади, бу маблағ ҳисобидан амалга ошириладиган ишларни ҳам ошкора бажаради. Ҳар ҳолда ижтимоий тартиб-интизом ҳозиргидек назоратсиз қолмайди - чунки бугунги кунда уй-жой маблағини қатъий интизомда тўлаб бораётган пенсионерлар бошқа қарздорлар қаторига қолиб азият чекишмайди, қишнинг кунида совиб чиқиб, ёз чиллисида иссиқ батарея елпиниб ўтиришмайди.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Анҳор узра шивирлар руҳлар

Мана шу гоҳ ҳайқириб, мавжланиб, шарқираб, шиддат билан, гоҳида маъюс, аста-секин эринибгина тўлқинланиб, шилдираб оққан қадрдон Бўзсув анҳори мозийнинг неча-неча талотўплари, жангу жадаллари, не-не заҳматларга тўлиқ онларию озмунча қонли воқеаларидан воқиф бўлмади, дейсиз.

Пешонасига «миллатчи», «аксилинқилобчи», «халқ душмани» тамғаси босилиб, зулм, разолат, қабоҳат, зўрлик ва ҳўрлик азобларини ичра навқирон умри жувонмарг бўлган не-не ватандош боболаримиз - юртнинг асл ўғлонлари маҳв этилган хунрезлигу зўравонликларнинг тилсиз-забонсиз гувоҳидир у.

Теграсида жасадлари гўрсиз, кафансиз, жанозасиз тупроққа қориштирилган, неча йиллар мобайнида ташландиқ, бехосият, кишиларни кўрқув ва жаҳолатга солувчи жойга айланиб ётган биродарлар мозористони узра шаҳид кетган марҳумлар арвоҳлари тинимсиз чирқиллашганининг гувоҳи бу - анҳор.

Фикримча, бу азиз гўшага қадам босган ҳар бир зиёратчи кайфияти қандай бўлишидан қатъи назар, анҳор сувининг шивирларига уйғун тушган гўзал манзаралардан баҳра олади, фикри тиниқлашади.

Раҳматли падари бузруқворимизнинг бир насиҳати ҳеч ёдимдан чиқмайди: «Давлатинг бисёр бўлиб, қалбингни шоду хуррамлик эгаллаган чоғда ҳам, муҳтожликдан қийналиб, олам кўзингга тор кўриниб, изтироб қуршовида қолганингда ҳам - мозор айлан. Ўшанда ҳовуринг босилади, вужудинг вазмин тортади».

Назаримда, оромбахш сукунат узра сокин жилдираётган анҳор мавжлари шитири теварак-атроф кўркамлигига пайваста бўлиб, диллар ва кўзларни яшнатган боғу бўстон ичра қад ростлаган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳам зиёратчилар кўнглига бир олам таскин, улуғворлик бағишлайди ва юртдошларимиз фикру хаёлларини жамлаб, эзгу ниятларга чорловчи қутлуғ бир қадамжога айланади.

Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН.

Қашқадарё

Тадбир

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи ўзига хос байрам тусини олди. Бу ерга турли ёшдаги санъат ихлосмандлари, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказилган тўй маросимлари қўшиқлари, алла ва лапар ижрочиларининг кўрик-танловига йиғилдилар.

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗДА, АММО...

Танловнинг дастлабки босқичи хўжаликлар, маҳаллаларда, сўнг туман ва шаҳарларда ўтказилиб, бугунги якунловчи беллашувда ана шу икки босқичда ғолиб чиққан жамоалар, якка ҳаваскор хонандалар иштирок этдилар. Уларнинг ижрочилари сафида болалар боғчаларининг тарбияланувчиларидан тортиб, 70, 80 ёшлардаги онахон ва отахонларни учратиш мумкин. Ҳокимлик вакиллари, маданият арбоблари, ёзувчи, шоир, журналист, фольклоршунос олимлардан ташкил топган эътиборли ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашда анчагина қийналдилар. Негаки, халқ оғзаки ижодига меҳр қўйган ижрочилар ҳар бир қўшиқ, алла ва лапарни ўзига хос усул, катта иштиёқ ва истеъдод билан куйладилар. Ниҳоят ғолиблар аниқланди. Тўй маросим қўшиқлари бўйича биринчи ўрин Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номли жамоа хўжалигининг «Гулрухсор» фольклор ансамблига, иккинчи ўрин Косон шаҳридаги Қуйибоғ маҳалласининг «Шодлик» бадиий жамоасига берилди. Алла ижроси бўйича Қамаши туманидаги Самарқанд маҳалласи «Маҳаллада дув-дув гап» фолклор ансамбли ижрочилари юксак маҳоратга эга эканликларини намойиш этиб, биринчи ўринни эгалладилар. Лапар ижрочилиги бўйича Китоб тумани маданият уйи, Шаҳрисабз маданият саройи ҳаваскорлари ҳамда Ғузор тумани «Гулшан» қишлоқ маданият уйи қошидаги «Нигина духтар» фольклор жамоаси ғолиб деб топилди.

Мамлакатимизда кишилар онгида миллий мафкура ғоясини сингдириш, истиқлол мафкураси тамойилларини яратиш асосий вазифа қилиб қўйилаётган бир пайтда Деҳқонобод, Яккабоғ, Қарши ва Чироқчи туман ҳокимликлари маданият бўлимлари қадриятларимизнинг муҳим қирраси ҳисобланган бу тадбирга эътиборсизлик ва нописандлик билан муносабатда бўлдилар. Бу туманлар жамоаларининг кўрик-танловда иштирок этмагани ҳайъат аъзолари ва томошабинларни жуда ранжитди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Хоразм вилояти

ОҚСОҚОЛ ҲАР ИШДА БОШ

Маҳалланинг ташкил топганига эндигина тўрт йил бўлаяпти. Илгари вилоят сув хўжалиги тизимида узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан Юсуфбой Мадримовни аҳоли «Бўстон» маҳалла қўмитасига раис этиб сайлаган эди. Ўша-ўша Юсуфбой ака маҳалладошлар хизматида... Елиб-югуриб, битта озиқ-овқат дўкони, иккита қассобхона, пойабзал устахонаси, видеопрокат очди. Уйма-уй юриб, беиш қолган 160 кишининг рўйхатини олди. Пойабзал тикувчилик фабрикалари ва экскаватор заводи кадрлар бўлимига маҳаллада меҳнатга яроқли ишчи кучи борлигини маълум қилди. Шу тариқа бир йилдаёқ 120 киши иш билан таъминланди.

Ҳозир маҳалла аҳолиси 2400 кишига яқинлашиб қолган. Маҳалла асосан кўпқаватли уйлардан иборат бўлганлиги учун ҳам уйбошилар сайланган. Турли йўналишлар бўйича комиссиялар тузилган. Байрамлар арафасида кам таъминланган оилаларга кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳомийлар топиб, оилаларга моддий ёрдамлар уюштирадилар.

- Маҳалла тинч бўлса, шаҳар ҳам, вилоят ҳам, мамлакат ҳам тинч бўлади, - дейди Юсуфбой ака. - Шу мақсадда биз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳар ойда маҳаллада ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг ходимлари билан учрашув ташкил этяпмиз. Ўтган ойда Урганч шаҳар прокурорининг ўринбосари Дмитрий Лисенко меҳмонимиз бўлди.

Яқинда маҳаллага Урганч шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари ташриф буюришди. Бу ерда тадбиркорлар билан солиқчиларнинг юзма-юз учрашуви бўлди. Солиқ инспекцияси бошлиғи Сотимбой Ибодуллаев ва мутахассислар тадбиркорлардан тушган саволларга жавоб бердилар. Имтиёзлар ва солиқдаги ўзгаришлардан барчани хабардор қилдилар.

Жасур НОСИРОВ,
Урганч шаҳри.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви 18-19 май кунлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигини таъминлаш, ривожлантириш фаолиятига бағишланган

«ТОШКЕНТ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ»

мавзусида амалий семинар-конференция ўтказади.

Амалий семинар-конференцияда иштирок этишни билдирган манфаатдор ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, маҳалла кенгашлари вакиллари 136-22-84, 136-79-01 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олишлари мумкин.

Ур тўқмоқ!

ШОШ КЎЧА – ЧАНҚОҚ КЎЧА

Чилонзор туманидаги Маданият маҳалласида болалигимда жуда кўп бўлганман - дов-дарахтлар ҳамиша ям-яшил, ҳақиқий мевазор, жийда-чилонзор ҳудуд эди.

Одамлар узоқ йиллар бу жойларда қулупнай экиб деҳқончилик ҳам қилишарди. Водопроводдан шариллаб оқиб келаётган муздаккина сувни кўриб ичмасангиз кўнглингиз жойига тушмас эди.

Куни-кеча Маданият маҳалласининг Шош кўчасида истиқомат қилаётган танишларимнинг ҳовлисига кирсам, сувсизликдан ҳовли қақшаб кетибди. Ҳовлига райҳон, булғори яна гармдори, помидор каби экинлар экиб қўйибдилар. Лекин қани энди бу «жониворлар»нинг илдизига сув етиб борса.

- Водопровод жўмрагини бурасанг, «ухрр» деган товуш чиқаради-ю, лекин бир томчи ҳам сув тушмайди, - дедилар танишим.

- Сувсиз рўзғорни қандай эплаяпсизлар?

- Хуфтон намозидан кейин сув томчилаб кела бошлайди, ўғилларим, келинлар навбатма-навбат идиш алмаштириб турибмиз.

А. НОДИРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Юртимиздан чиққан алломалар исломшуносликда барча мусулмон аҳли яшаётган юртлар ичида байроқдори, ҳатто ислом дини чироғини илк бор ёққан араб дунёси аҳли ҳам буни тан олиб, бу алломаларимиз номини тавоф қилиб яшаётганлиги сир эмас.

Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари

ЗАМАХШАРИЙ ВА АРАБ ЖУҒРОФИЯСИ

Хизмат юзасидан яқинда Иордания пойтахти Аммонда бўлганимда халқимиз орасида кенг тарқалган «ҳам зиёрат, ҳам тижорат» деган азалий ҳикматни бироз ўзгартириб, яъни «ҳам зиёрат, ҳам маърифат» қабилида иш тутиб, шаҳарнинг эски қисмида жойлашган «Суқ ал-бухориййин» («Ал-Бухорийлар бозори») яқинидаги китоб дўконларига қараб йўл олдим.

Шунингдек, кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Хоразмдан чиққан аллома Аз-Замахшарий (1075-1114) араб юрти жуғрофиясини ҳам ўрганиб, бу борада қимматли рисола яратган.

Бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз Париждаги нуфузли бир анжуман минбаридан туриб жаҳон аҳлига қарата: «Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман», - деган эди.

Хизмат юзасидан яқинда Иордания пойтахти Аммонда бўлганимда, халқимиз орасида кенг тарқалган «ҳам зиёрат, ҳам тижорат» деган азалий ҳикматни бироз ўзгартириб, «ҳам зиёрат, ҳам маърифат» қабилида иш тутиб, шаҳарнинг эски қисмида жойлашган «Суқ ал-бухориййин» («Ал-Бухорийлар бозори») яқинидаги китоб дўконларига қараб йўл олдим.

Бу сафарги зиёратим ҳам омадли бўлди. Китоблар орасидан хоразмлик буюк аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий қаламига мансуб «Китоб ал-амкина ва-л-жибол ва-л-мийоҳ» («Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб») номли географик тарздаги асарининг янги, 1999 йилги нашрини кўриб қолдим... Ўрни келганда айтиш керакки, аз-Замахшарий тафсир, ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз ва бошқа илмларга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратган. Ўз умрининг кўп қисмини хорижий юртларда сафар ва саёҳатларда ўтказган аллома беш йилдан ортиқ Маккаи Мукаррамада, Каъбатуллоҳнинг ёнғинасида яшаган ва шу боис Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган ғоятда шарафли лақабга сазовор бўлган. Олимнинг қатор асарлари, жумладан «Китоб ал-амкина ва-л-жибол ва-л- мийоҳ» ҳам Маккада ёзилган.

Алифбо тартибида яратилган жуғрофий луғат тусидаги бу асарда асосан Арабистон ярим ороли (ҳозирги Саудия Арабистони) ҳудудида жойлашган шаҳарлар, қишлоқлар, водийлар, тоғлар ва сув манбалари хусусидаги маълумотлар берилган. Бошқа араб мамлакатлари, масалан, Ироқ, Сурия, Миср, Фаластинга оид жуда кам маълумотлар асосан китобий (тасвирий) ҳолда келтирилган. Шимолий Африка, Эрон ва Ўрта Осиё ҳақида камдан-кам ҳолларда зикр қилинади. Шу боисдан ҳам баъзи олимларнинг аз-Замахшарий ушбу асарини охиригача тугатишга улгурмаган ёки чала таҳрирдан чиқарган деган фикрлари ҳам мавжуд. Асарнинг манбалари ҳақида гапирадиган бўлсак, аз-Замахшарий биринчи навбатда ўз яқин дўсти, Макка амири ибн Ваққоснинг маълумотларига суянади. Бинобарин, Арабистон ярим оролига оид кўп маълумотлар йигирмадан ортиқ ўринларда унга таянилиб, «Али айтди» («Қола Али»), «Саййид Али айтди» («Қола ас-Саййид Али»), «аш-Шариф Али айтди» («Қола аш-Шариф Али») деган иборалар билан унинг сўзлари нақл қилинади. Эҳтимол Амирнинг исмини зикр қилмасдан туриб, ундан келтирилган ўринлари ҳам бордир.



Муаллиф фойдаланган манбалардан яна бири машҳур араб филологи Абу Сайид Абдул Малик ал-Асмоийнинг «Жазират ал-Араб» («Арабистон ярим ороли») асаридир. Лекин аз-Замахшарий бевосита ал-Асмоийнинг мазкур асаридан нақл қилгани ёки унинг асаридан фойдаланган бошқа муаллифлардан кўчириб келтирганлиги ҳақида қатъий бир фикр айтиш қийин бўлса-да, ҳар ҳолда уч ўринда аз-Замахшарий аниқ равишда «Ал-Асмоийдан олинган» - деб таъкидлайди. Ўз навбатида аз-Замахшарийнинг ундан кейин яратилган баъзи жуғрофий асарлар учун манба вазифасини бажарган. Бу борада энг аввало машҳур араб қомусий олими Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарини зикр қилиш зарур. Аз-Замахшарий вафотидан 75 йил ўтгач, мўғуллар босқини арафасида Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразмда, Марвда бўлган ал-Ҳамавий бу шаҳарлардаги бой кутубхоналардан, беҳисоб қўлёзмалардан ўз асарида ғоятда завқланиб «Мен «Муъжам ал-булдон» ва бошқа китобларимдаги маълумотларнинг кўпини ўша кутубхоналардан тўпланганман» деб ёзган. Дарҳақиқат, бир неча жилддан иборат йирик жуғрофий луғат яратган ал-Ҳамавийдек буюк олим аз-Замахшарийнинг «Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақидаги китоб»ига баҳо бериб, ундан ўз асарининг 64 ўрнида бевосита фойдаланган. Бу ўринда бир муҳим фикрни қайд қилиш зарур. Чунончи, ал-Ҳамавий аз-Замахшарий асарига таяниб луғатида келтирган баъзи исмларни аз-Замахшарий асарида учратмаймиз. Бундан маълум бўладики, бизгача етиб келган «Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб»ининг нусхалари мукаммал эмас, ал-Ҳамавий фойдаланган нусха эса тўлиқ бўлган.

Ушбу асар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бир қадар ўрганилди. Асар дастлаб Европада арабшунос М.Сальверда де Граве томонидан чуқур таҳлил этилган ҳолда 1886 йилда Лейденда чоп этилган. Сўнгра асар Нажафда (Ироқ) қайта нашр қилинган. Ушбу нашр тижорат мақсадида бажарилганидан унда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. 1968 йили Бағдоддаги ас-Саъдун матбаасида асарнинг Иброҳим ас-Самараий томонидан бажарилган янги нашри чоп этилди. Бу ишда олим асарнинг Лейден ва Нажаф нашридан ташқари аз-Замахшарий асарининг бошқа икки қўлёзмасига ҳам таянган.

«Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб»нинг ушбу янги, 1999 йилги Аммон нашрини тайёрлашда доктор Иброҳим ас-Самараий асарнинг Мадинаи Мунавварадан яқинда топилган бошқа икки қўлёзмасидан ҳам фойдаланган. Бинобарин, комил ишонч билан айтиш мумкинки, аз-Замахшарий асарининг ушбу янги нашри олдинги икки (Лейден ва Нажаф) нашри ва тўртта қўлёзмаси асосида бажарилган бўлиб, мукаммал ҳисобланади.

ИС БИЛАР МАШИНА

Японiядаги фирмалардан бирининг мутахассислари ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган автомобил яратдилар.

Гап бу ерда ҳидни аниқлайдиган мослама ҳақида кетмоқда. Машинага ўтириб, калитни бурашдан олдин ҳайдовчи салондаги махсус қурилмага бир неча бор пуфлаши керак. Агар ҳид автомобил эгасиникига тўғри келсагина мотор ўт олади.

«АЛКОСТОП» - ИЧКИЛИККА ҚАРШИ

Францияда ишлаб чиқарилган «Алкостоп» асбоби ҳам спиртли ичимлик ичган одам автомобилни ҳайдамоқчи бўлса, уни юргизмай қўяди.

Бу қурилма Франциянинг Бордо шаҳридаги йирик халқаро кўргазмада намойиш қилинган. Қурилма машинанинг ўт олдириш системасига уланади. Ҳайдовчи машина ҳайдашдан аввал махсус трубкага пуфлайди ва бир неча сония вақт ўтгач, асбоб ўз «диагнози»ни беради. Мабодо, организмда алкоголь борлиги сезилса, таблода қизил лампочка ёнади ва ўт олдириш системасини узиб қўяди. Бордолик муҳандис Пьер Константенинг бу кашфиёти кайф билан машина бошқаришга яхшигина «тормоз» бўлиб хизмат қилади.

КОМПЬЮТЕР КЎЗ

Япон муҳандислари яратган янги қурилма поезд йўлларидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар, тўқнашувлар олдини олишга жуда катта ёрдам беради.

Қурилма инфрақизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда ҳам кўриш имконини беригина қолмай, йўлда турган 1 километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, ҳуллас, ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган жамики нарса тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чизади. Бу янгилик Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам беради. Ахир ҳозир мамлакат темир йўлларида йилиги камида 200 га яқин фожеа рўй беради.

ПАРРАКЛИ СОЯБОН

Маълумки, айрим ихтироларга юқори ташкилотлар умуман, эътиборсизлик билан қарашади.

Уларга «юққан дард» бу. Лекин бунга қарши ўлароқ ихтиро ўз-ўзидан тез оммавийлашиб кетади. Буюк Британияда яратилган ёзги соябонга ҳам худди шундай муносабатда бўлинди. «Юқоридагилар» мамлакат об-ҳавоси ёғин-сочинли эканлигини рўкач қилиб аввал ихтиро устидан кулишди, сўнг эса... Ҳозирги кунда бу янгилик энг яхши дўконларда сотилмоқда.

Соябоннинг афзал томони шундаки, унинг парраги бор. У одам юзига енгил шабада ҳадя этади. Паррак ўзига керакли электр қувватини қуёш нуридан олади. Демак, ёғин-сочинли кунларда парак табиийки, ўз-ўзидан ишламайди.

ТОВУҚЛАРГА ГАЗЛИ СУВ

Иллинойс дорилфунуни олими Тед Одом кўп йиллардан бери тухум пўчоғини қандай қилиб қаттиқроқ қилиш мумкинлиги юзасидан иш олиб борарди.

Ва охир оқибат қуйидагича хулосага келди: газли сув тухум пўстини мустаҳкамларкан. Шунинг учун у товуқларга оддий сув ўрнига газли сув беришни тавсия этмоқда. Ана шунда тухумларни транспортга юклаётганда ва тушираётганда синмаган ҳолда ташиш имкониятига эга бўлинади.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

БУНДАЙ ИШЛАШ МУМКИН ЭМАС

- Жамоа хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб ишлайман. Яқинда фарзандим ҳам менинг касбим бўйича маълумот олиб қайтди. У мен билан, яъни мен бошлиқ ҳисоб-китоб ишлари бўлимида ишга жойлашиши мумкинми?

М.ҚАЮМОВ.

Андижон вилояти.

- Меҳнат Кодексининг талабига кўра, ака-ука, опа-сингил, ота-она бир-бирига хизмат юзасидан бевосита бўйсунув тартибида ёки бир корхонада бири-иккинчисини назорат қилиш тартибида ишлашлари мумкин эмас.

ЗАРАР ҚОПЛАНАДИ

- Агар фуқарога нисбатан қонунга хилоф тарзда бирон-бир жазо қўлланилган бўлса, сўнг у шахс оқланиб, айбсизлиги исботланса, унга етказилган маънавий зарар ўрни қай тарзда қопланади?

С.ДАЛИЕВА.

Бухоро вилояти.

- Етказилган маънавий зарар ўрни пул билан қопланади. Зарар ўрнини қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб адолатпарварлик ва оқилоналик тамойилларига амал қилган ҳолда суд томонидан иш ҳолатлари ҳар томонлама баҳоланиб, белгиланади. Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъий назар қопланади.

БУ ЖИДДИЙ ЗАРАР ЭМАС

- Мен бир ишдан иккинчи ишга ўтиш жараёнида уч ярим ой ишламаганман. Бу узилиш келажакда менинг фаолиятимга қандай таъсир кўрсатади.

К.НЎЪМОНОВ.

Каттақўрғон шаҳри.

- Бу ҳолат иш фаолиятингизга таъсир этмайди. Фақат пенсияга чиқишда иш стажи ой, йил, кун билан ҳисобланади. Лекин бу муддат бунга жиддий таъсир этмайди.

СУҒУРТА ТЎЛАНГ, ПЕНСИЯ ПУЛИ ОЛАСИЗ

- Маҳалламиз аҳолисининг аксарият аёллари ҳовлидаги томорқасидан даромад кўриб, тирикчилик қилишади. Уларнинг асосий қисми ёши пенсияга яқинлашиб қолганлиги учун эртаги кун уларни хавотирга солиши табиий. Томорқада ишлаб даромад кўраётган аёлларимизнинг пенсияга чиқиши қай тартибда амалга оширилади ҳамда уларга пенсия пули белгиланадими? Пенсия олишлари учун бу аёлларимиз қандай ҳужжатларга эга бўлишлари зарур?

Х.ТЕМИРОВ.

Бухоро шаҳар, Оқтерак маҳалласи.

- Пенсияга чиқишда иш стажини ҳисоблаб, қақиқий иш стажидан келиб чиқади. Бунда иш стажи фуқаро қандай мулк шаклидаги корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаганидан қатъий назар тегишли ҳужжатлар - меҳнат дафтарчаси, маълумотнома ва уни тасдиқловчи бошқа зарур ҳужжатлар асосида аниқланади.

Томорқада (шахсий, бошқа хусусий мулк эгасининг) ишлаган ҳолларда суғурта бадаллари доимий равишда тўлаб борилиши керак. Ана шундагина бу меҳнат даври иш стажи ҳисобига қўшилиши мумкин. Мазкур ҳолат суғурта органи томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Барча ҳужжатлар йиғилгач, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этишингиз лозим.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.

ФАЛУНГУНЧИЛАР ҲИБСДА

Хитой. Хитой пойтахти марказидаги Тянанмэн майдонида Фалунгун оқимининг юзга яқин тарафдори ҳибсга олинди. Бир йил муқаддам бу оқим фаолияти тақиқлаб қўйилган эди. Унинг тарафдорлари шу муносабат билан намойиш ўтказаётган чоғида майдоннинг ўзида турли диний рукнларни бажара бошлагач, ҳуқуқ-тартибот органлари уларни ҳибсга олди.

БЕЗОРИЛИК ОҚИБАТИ

АҚШ. Вашингтондаги Миллий ҳайвонот боғида безори ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган отишма натижасида олтита бола жароҳатланиб, шифохонага жўнатилди. Уларнинг бири бошидан яраланган бўлиб, ҳозир жуда оғир аҳволда ётибди.

АҚШ аҳолиси орасида ўқотар қуроллар устидан назоратни кучайтиришни талаб қилувчилар кўпайиб бормоқда. Зеро бундай воқеа биринчи бор содир этилаётгани йўқ.

ПРОКУРОР ВИДЕОТАСМАГА ИШОНМАЙДИ

Косово. Косовода албан миллатига мансуб фуқарони ўлдирганликда айбланаётган уч нафар серб устидан суд бошланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи ташкилотлар бу суднинг одиллигига шубҳа билдирмоқда. Маълум бўлишича, қотиллик гаражда юз берган ва воқеа хавфсизлик нуқтаи назаридан у ерга ўрнатилган видеокамерага ёзиб олинган. Видеотасмадан эса сербларнинг ҳеч қандай айби йўқлигини билиб олиш қийин эмас. Лекин прокурорлар видеотасма сохталаштирилган, шу боис ашёвий далил бўлишга ярамайди, деб ҳисобламоқда.

Ҳиндистон аёллари

ЗЎРАВОНЛИК АВЖГА ЧИҚДИ

Зимбабве. Бу ерда озодлик уруши иштирокчилари ҳамда Президент Р.Мугабе тарафдорлари бўлган ўсмирларнинг оқ танли фермерларга нисбатан зўравонлиги авжига чиқяпти. Энди оқ танли фермерлардан тортиб олинган экинзорларга ўт қўйила бошлади. Хабарларга қараганда, зўравонлар оқ танлилар мажбуран юртдан чиқиб кетгач, ер тақсимига қараб адолатпарварлик ва оқилоналик тамойилларига амал қилган ҳолда суд томонидан иш ҳолатлари ҳар томонлама баҳоланиб, белгиланади. Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъий назар қопланади.

Дунё... Дунё... Дунё...

ГАРОВГА ОЛГАНЛАР КИМ?

Малайзия. Сипадан курортида сайёҳларнинг гаровга олиниши Филиппиндаги Абу-Сайяф айирмачи ҳаракати жангариларининг, иши бўлиб чиқди. Айирмачилар гаровдагиларни Филиппиндаги Базилан оролида сақлаётгани ҳақида хабар эълон қилди. Лекин Малайзия ва Филиппин ҳукуматлари вакилларининг фикрича, бу унчалик тўғри эмас. Чунки, айни пайтда айирмачиларнинг Базиландаги қароргоҳи Филиппин қўшинлари қуршовида турибди. Абу Сайяф раҳбарлари ҳукумат армиясининг ҳужумини қайтариш учун у ерда гаровга олинган одамлар бор, деб найранг қилаётган бўлиши мумкин. Аслида эса гаровдагилар бошқа ерга яширилган.

Айни пайтда икки мамлакат махсус хизмат ходимлари ҳамкорликда гаровдагиларни топиш ва қутқариш бўйича қидирув ишларини давом эттиряпти.

Бу сирли олам

ҲИНДУ 27 ЙИЛДАН БУЁН ЗАРУРАТГА БОРМАЙДИ!

Ана шунақа! Жуллиндар шаҳридаги Нираньян Сингхнинг кичкина ҳовлисида ҳожатхона йўқ. Кекса ҳинду бу нарса учун ўзида зарурат ҳам сезмайди.

«Куйла, дилкаш дуторим!»

Нираньян бундан 27 йил аввал охирги марта ичини бўшатган эди. Энди янаям ажабланаётгандирсиз. Аслида бунинг сабаби 57 ёшли йог учун жуда оддий. У ўз танасини истеъмол этилган жамики овқат ва сувни тўлиқ ҳазм қилишга ўргатган! Демак, унинг бадани чиқитсиз ишлаб чиқариш вазифасини бажаради.

Сингх гўшт, туз, шакар каби озуқалардан воз кечган. Унинг кундалик дастурхони сара мевалар ва ёнғоқлар билан тўла бўлади. Шунингдек, ҳинду парҳезга доимо риоя этади.

- Мен чуқур гипноз ҳолатига тушаман, - дейди у. - Чунки, баданимнинг тозалиги, бенуқсонлиги мен учун муқаддасдир. Ҳозиргина еган овқатим ва ичимликларни хаёлан тўла ҳазм қилдираман. Кўрув органларим ички органларга бу ҳақда кўрсатма беради.

Айтишга осон, албатта. Аслида Сингх етти ёшданоқ ўзини шунга кўниктириб борган. Фақат, ўттиз ёшидагина ўз танасини «бошқариш»га эришди. Ахир бу нарсани тайёргарликсиз амалга оширган киши ўлиб қолишиям мумкин-да. Негаки, тирик танада қанчалик заҳарли моддалар ва бактериялар мавжуд. Сингх эса айни пайтда мутлақо соғлом. Уни текширувдан ўтказган терапевт Дмитрий Костикулоснинг айтишича, ҳиндунинг бадани худди 20 ёшли йигитники каби бақувват!

Ҳар қандай мўъжизаларга шубҳа билан қаровчи бир гуруҳ журналистлар Нираньяннинг сирли қобилиятини ўз кўзлари билан кўриш мақсадида ўтган йили Австралиядан Ҳиндистонга келишди. Улар 8 ой давомида Сингх билан бир ҳовлида яшашиб, унинг ҳар бир қадамини синчиклаб кузатишди. Ва ҳиндунинг чиндан ҳам ноёб қобилиятга эга эканлигидан ҳайратга тушишди.

- Ҳар сафар ҳожат учун йўл олаётганимда ўзимни худди ҳақоратлангандек сезаман, - дейди ўша журналистлардан бири кейинчалик. - Негадир ўша ҳинду ҳақида ўйламасдан туролмайман. Менимча, табиат инъомларини ўз танамизда тўлиқ ҳазм бўлишига эришолмаслик жуда хижолатли ишдир. Ҳарҳолда, бунинг учун катта ирода ҳам керак бўлади!

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади.

Урушдан қолган дастхатлар

МАРШАЛ ЖУКОВНИНГ ЭНГ СЎНГГИ ҚАРШИ ҲУЖУМИ

Россия махфий хизмат идораларининг қўлёзмалар бўлимидан яқиндагина «Махфий» деган белгиси бекор қилинган Г.К.Жуковнинг Н.С.Хрущевга ёзган мактуби топилди. Ушбу ҳужжатни баъзи бир қисқартиришлар билан газетхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз.

«Қадрли Никита Сергеевич!

Ушбу йилнинг 29 март куни Сиз мен билан бўлган телефон орқали сўзлашувингизда Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолиятимни матбуотда тўғри ёритилмаётганлигини муҳокама қилган эдингиз.

Сиз билан мулоқотдан сўнг мен «Октябрь» журналининг 3- ва 4- сонларидан В.И.Чуйковнинг эсдаликларини ўқиб чиқдим.

Чуйков ёлғон хулосаларни ўртага ташламоқда, яъни унинг ёзишича, 1945 йил февраль ойи бошидаги вазият Берлинни бирдан эгаллаш учун имкон яратган экан. Тўғри, Чуйковнинг ўзи ҳам бу агар амалга оширилганда таваккалчилик ва айни пайтда моддий базага эга бўлмаган операция бўлар эди, дея эътироф этади.

Чуйков яна шуни нотўғри ифода этадики, гўёки Сталин мен билан телефонда гаплаша туриб, Померенск ҳужумини ташкил қилишга ва Берлин операциясини тайёрлашдан воз кечишга мажбур қилган эмиш. Сталин билан бизнинг ўртамизда бундай мулоқот асло бўлмаган. Эҳтимол, Чуйков эсдаликлар ёза туриб, бу воқеаларни ўйлаб чиқарган бўлиши мумкин.

Аксинча, мен Сталинга душманнинг Померенск гуруҳини тор-мор қилиш ва 2-Белорус фронтига кўмак бериш учун танк армиясини шимол томонга буриш ҳақида уч марта ахборот берганман. Сталин бу таклифга рози бўлишга мажбур эди. «Висла» армия гуруҳининг тор-мор ҳужуми фақат немисларнинг фронт бўйлаб ҳужум уюштириш режасини барбод қилибгина қолмай, 2-Белорус фронтига Данциг операциясининг тугаши орқали жангсиз умумий Берлин операциясида қатнашиш учун Одерга чиқиб олиш учун имкон яратди.

Чуйков Померенск гуруҳлари тор-мор этилганидан кейин фронт кучлари шарққа бурилиб, Висла томон йўл олди, дея ҳам нотўғри ёзаяпти. Бундай бурилиш бўлмаган. Фронт армияси душман изидан борди ва Одерга чиқишди. Фақатгина 1-танк армияси бундан мустасно бўлиб, у вақтинча Ставка топшириғига асосан Рокоссовский ихтиёрига - Данцигда душманларни тор-мор қилиш учун берилган эди.

... 140-саҳифадан бошлаб эса Чуйков бизнинг халқимиз ҳақли равишда фахрланган, бизнинг собиқ иттифоқчиларимизни тавба-тазарру қилишга мажбур қилган ва фашист Германиясининг батамом мағлубиятини тан олишга сабаб бўлган Берлин операциясига «ўтириб қўйган».

Чуйков адабий танқиднинг ғоявий даражасини кўтариш ҳақидаги МК нинг кўрсатмаларига ҳам бўйсунмаган ҳолда нафақат менинг, балки бошқа бу операцияда қатнашганларнинг ҳам далилий ва дўстона танқидига ҳам нописанд қарамоқда.

Мен бу ерда Чуйковнинг ўқувчилар олдида мени бадном қилиш мақсадида ўзига қурол қилиб олган майда масалалар хусусида тўхталмаяпман. Аммо Чуйковнинг 3-номернинг 109-саҳифасидаги қуйидаги дашномига беэътибор бўлолмайман. Унда у шундай ёзади, «Генерал Рудкин буйруқ олиб, олдиндан разведка қилмасдан душман ҳақида ҳеч қандай ахборот олмасдан барча кучларни, энг муҳими, танкларни топшириқни бажариш учун ташлади. Оқибатда корпус пухта тайёрланган қаршиликка дуч келиб, катта талофат кўрди...»

Шахсан Маршал Жуковнинг буйруғи билан корпус командири, Совет Иттифоқи қаҳрамони генерал Рудкин, армия командири генерал Гусев ўз вазифасидан озод этилди... Жуков ўзига бўйсунувчилар билан маглубиятларни баҳам кўришни хуш кўрмас эди».

Аввало, генерал Рудкин Жуковнинг буйруғи билан эмас, Сталиннинг буйруғига асосан озод қилинган эди. Иккинчидан, армия командири Гусев умуман, вазифасидан озод этилмаган, унга Сталин ҳайфсан эълон қилган эди.

Генерал Рудкин корпусининг оддий ҳарбий ҳолатини таъминлай олмасдан, ўзининг вазифасига жиноий совуққонлик қилган эди. Унинг оқибати эса минглаб одамлар ҳаётини сўндирди. Чуйковнинг тушунчасига кўра, Рудкиннинг жиноий совуққонлиги жазосиз қолиши керак.

... Сиздан менинг фаолиятимни телба-тескари қилиб кўрсатиш ҳолатига барҳам бериш учун тегишли чора кўришингизни сўрайман.

Совет Иттифоқи Маршали Г.Жуков.

1964 йил, 18 апрель.

(Н.С.Хрущевнинг бу хатга муносабатв ҳақида таҳририят маълумотга эга эмас.)

(«Труд-7», 2000 йил 20-26 апрель сонидан).

АХЛОҚИНГДАН СЕЗУРЛАР

Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

11.ТИЖОРАТ ҚИЛИНГ, ИЙМОНЛИ БЎЛИНГ

Ўн тўрт-ўн беш ёшли бола касал хўрозининг касаллигини айтиб, арзон-гаровга сотибди. Уни ён-атрофдаги кузатиб турган катталар калака қилишибди. Аслида ҳой, катталар, ҳалолликни шу боладан ўрганайлик.

Ўзбекистонимиз ер юзидаги ривожланган мамлакатлар қаторидан жой ола бошлаяпти. Шу сабаб бизда ҳам эркин савдо-сотиқ, тижорат қарор топмоқда. Бозор муносабатларига, хусусий мулкчилик тартибларига ўтиб бораяпмиз. Бу албатта улуғ иш. Бироқ тижоратга берилиб кетган айрим юртдошларимиз маънавий томондан қашшоқлашиб қолаётгандек кўринади. Инсоф, диёнат, мўминнинг вазифалари унутилаётгандек. Шунинг учун тижорат ишларининг ижобий ва салбий томонлари хусусида фикрлашсак.

Аввало, савдо, тижорат ўта ҳалолликни, тўғриликни талаб қиладиган нозик соҳа. «Тижорат экан», деб анави ердаги нарсани бу ерга олиб келиб, ноинсофларча устига оғзига сиққанини қўйиб сотиш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, тарозидан уриб, деққонни ранжитиб, молини олиб қўйиб, устига нарх қўйиб сотиш, бу катта гуноҳларга сабаб бўлади. Бир хил биродарларимиз яхши бошланган тижорат ишларини билиббилмай бузиб гуноҳларга ботмоқдалар. Ишлари юришмай, хонавайрон бўлиб қолмоқдалар. Бу ҳолат инсоннинг феълига, қалбига, иймонига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бизда алдоқчилар, ғирромлар, инсофсиз ёлғончилар чиқиб қолаяпти.

Саррвари олам айтаяптилар: «Кимки молининг айбини беркитиб сотса, Аллоҳнинг ғазабига учрайди». Сотувчи молининг айбини олувчи одамга айтиб узр сўрамагунича малойикалар унга лаънатлар айтиб турар экан: «Савдоинг касод бўлсин, ишинг юришмасин, хор бўлгин», деб.

Баъзи бир ёшларда, катталаримизда болаларимиздаги ҳалоллик, иймон етишмайди. Бир йигитча, яъни ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамаси, уйида товуқ, хўрозлари бор экан. Хўрози бир куни касал бўлиб қолибди. Онаси: «Болам, хўроз ўлиб-нетиб қолмасидан бирортасига пуллаб келақол», деб бозорга юборибди. Бола бозорга келиб, сўраганларга хўрозга энг паст баҳосини қўйиб айтибди. Бир харидор келиб арзон нархни яна пастга тушириб, ярмига беришини сўрабди. Бола рози бўлиб, ҳалиги одамга хўрозни сув текинга сотибди. Харидор бўлган одам:

- Эй ўғлим, хўрозингни бунча арзонга бераяпсан? - деса, бола ростини айтиб қўя қолибди:

- Амаки, хўрозим касал, олиб бориб дарров сўйиб юборинг, -депти. Буни кузатиб турган қўшнилари болани калака қилиб, устидан анча вақтгача кулиб юришибди. Шу боладан ўрганайлик ҳалолликни.

Энди баъзи даллолларнинг юмушига қаранг. Топган пули ҳалолми? Даллолнинг иймони мустаҳкам бўлса, мол сотишдами, қўй сотишдами, оладиганига ҳам, сотадиганига ҳам ростини айтиб, иккита одамнинг ҳожатини чиқарган бўлади. Қўй сотган кўнглидан чиқариб даллолга берган пули ҳалол. Аммо алдаса, бу жуда катта гуноҳ бўлади.

Пайғамбаримиз даврларида икки саҳоба ўртасида олди-сотди бўлган. Бир саҳоба ҳовлисини сотган. Иккинчиси олган. Ҳовли олган саҳобаи киром ўра кавлайман, деб ҳовли этагидан бир кўза олтин топиб олган. Ҳалолликни қарангки, ҳовлининг аввалги эгасини уйига олиб бориб:

- Эй биродар, уйингиздан кўзада олтин чиқди. Сиз кўмиб қўйган бўлсангиз керак, олинг омонатингизни, - дебди.

Ҳалиги ҳовлининг аввалги эгаси ҳам ҳалолликда ундан қолишмабди.

- Йўқ, биродарим, мен ҳовлимга ҳеч қандай олтин кўммаганман. Сизга ҳовлини сотдимми, у ердаги бари нарса энди сизники, - дебди.

Бири берар эмиш, иккинчиси олтинни олмас эмиш. Шунда Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келишибди.

- Эй Расулиллоҳ, мана шунақа ҳодиса, энди бу олтинлар кимники бўлиши керак?- деб. Саррвари олам айтибдилар:

- Қайси бирингизда қиз, қайси бирингизда ўғил бор. Бир-бирингиз билан қуда бўлинг-да, шу олтинларни уларга беринглар, - дебдилар.

Бозор иқтисоди кўп одамни тижоратга аралаштириб қўяяпти. Албатта, бунда барака бор, агар ҳалол бўлсак, мўмин-мусулмончилик, шариат қоидаларига, қонунларига амал қилсак, барака бўлади. Қариялариимиз «Ҳалолидан берсин», деб дуо қилишларида гап кўп. Ҳалол билан топилган бир сўмда минг сўмнинг баракасини беради. Ҳаром, нопок йўллар билан миллион сўм топинг, қандай келган бўлса, шундай кетади. Аллоҳ нопок йўл билан топилган мол-давлатни ёқтирмайди...

Акс-садо: «Девор деб тўкилган қон,узилган жон»

БИЗ БЕФАРҚ БЎЛСАК...

Газетанинг 2000 йил 5 апрель сонидаги «Девор деб тўкилган қон, узилган жон» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўз фикримни ёзишга жазм қилдим.

Мақолани ўқиб Қосим Назаровнинг арзимаган нарса учун ўлиб кетганига, Жуманазар Жабборовнинг қамалиб кетганига ачиндим ва фожеанинг олдини олиш имкони бўла туриб, олди олинмаганидан афсусландим. Ҳа, кўпчилигимиз ҳали ҳам «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» , деб иш тутишни эсдан чиқара олмаяпмиз. Жанжалларни, келишмовчиликларни, муаммоларни кўра била туриб, билмасликка оламиз. Натижада юқоридагидек нохуш ҳодиса бўлганда ҳаммамиз елиб-югурамиз. Унда эса кеч бўлади. Нақотки, қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла фуқаролар йиғини Қосим ака ҳамда Жуманазар ака ишлаётган жамоа раҳбарлари ишни шу даражага боргунича кутишди экан. Наҳотки, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ўша маҳалланинг имом, домла, уламолари билмади экан.

Бизнинг маҳалла йиғинларимизнинг иш тажрибалари, бир пиёла чой устида ҳар қандай муаммоларни ижобий ҳал қилишга қодир эканликлари чет элларда ҳам оммалаштирилган. Ҳозир бепарволик, лоқайдлик билан, топшириқ бўлсагина бажариб қўйишлик билан кун ўтса бўлди, деб яшайдиган замон эмас.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, бундан кейин ҳар қандай келишмовчиликларга, муаммоларга, жанжалларга муросасозлик қилмай ишлаш керак. Ўз ҳудудингизда ким, нима билан нафас олаётганини билиб турасиз. Билиб туриб, билмасликка олиб юриш маҳалла раҳбарларига хос иш эмас.

Қўшнинг тинч - сен тинч,
Маҳалланг тинч - юртинг тинч, деб бекорга айтишмаган донишмандлар.

Абдупатто ЛАТИПОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилояти Жалақудуқ тумани бўлинмасининг раиси.

ТАҚДИР ВА ТАҚОЗО

Яхшиликнинг умри - боқийлик

ҒУЗОРДАН КЕЛГАН БИР ПУД МОШ

Шайхонтоҳурнинг Гуручариқ маҳалласида яшаган кезларимиз. Кўча-гузардан ўтаётганимни кўргудек бўлса, маҳалладошимиз Тўлаган ота дарров қошимга пешвоз чиқиб, салом-алик қилар, ҳол-аҳволимни зимдан сўрардилар. Мен у кишидан 15 ёшлар чамаси кичик эмасманми, бу илтифотдан ўзимни ўнғайсиз сеза бошлардим.

Кунларнинг бирида эрта саҳарлаб ишга кетаётсам, 3-4 нафар қария масжиддан чиқиб келишаётган экан. Тўлаган ота мени кўрдилару, одатдагидек ҳамроҳларидан 4-5 қадам олға юриб, менга пешвоз чиқиб саломлашдилар. Мен ҳам саломни биринчи бўлиб беришга шошилдимда, кейин отанинг менга бўлган бу қадар илтифотининг сабабини сўрадим.

- Бунинг тарихи жуда узоқ. Агар вақт топиб, хонадонимда бир меҳмон бўлсангиз, ҳаммасини ҳикоя қилиб бераман, - дедилар ота.

Келишилган соатда отахоннинг боғларига етиб келдим. Кўча-кўй, ичкари-ташқари ҳовлилар супирилиб, сув сепиб қўйилган. Мен ичкарида бошқа меҳмонлар ҳам бўлса керак, деган хаёлда ҳовлига кирдим. Мезбонлардан бўлак ҳеч ким йўқ. Тўлаган ота билан у кишининг кампирлари тавозъе билан кутиб олишди. Салом-аликдан сўнг ота менга юзланиб:

- Мана бу ҳовлидан чиққан ноз-неъматлардан уялмай еб ўтирасиз, мен ҳикояни бошлайман, агар хижолат чекиб овқат емасангиз, мен ҳам гапиришдан тўхтайман, - дедилар.

Шу билан Тўлаган отанинг ҳикояси бошланиб кетди.

1929 йил. Қаҳатчилик. Сиз ўшанда 8-9 ёшлардаги йигитча эдингиз. Кеч кузда отангизнинг Эски Жўва бозоридаги дўкончаларини ҳукумат ёпиб, молларини мусодара қилди. Ўзларини «майда савдогар» тамғаси билан уч йилга Тошкентдан четроққа - Қашқадарё воҳасининг Ғузор туманига бадарға қилди. Отангиз ишбилармон, чайир инсон бўлганлари учун ўша ерларда ҳам яхши кўним топибдилар. Ҳатто у кишини кўргани борганлар ўзлари билан Тошкентга бир пуд буғдой, бир пуд мош-дон олиб келишибди. Тошкентда одамлар қаҳатчилик туфайли кунжара ивитиб, ейишгача боришган эди. Оиламизнинг ҳаётини ўйлаганимиз учун мен билан қўшним Рихсибой икковимиз Ғузор томонга йўл олдик. Бозорда отангизни қидириб, кунимиз кеч бўлган эди, ниҳоят бир киши манзилни аниқроқ чизиб берди. Шу манзил орқали отангиз мулла Пўлат Йўлдошҳожи ўғлини топиб олдик.

Феъли кенг, қўли очиқ бўлган отангиз бизни остонада кутиб олиб, дарров ичкарига таклиф қилдилар.

- Тошкентдан меҳмонлар келишини билганимизда, тошкентча ош дамлаб қўйган бўлардим, ҳозирча мана бу мошхўрдани еб турингиз, - деб отангиз бизга овқат тутқаздилар.

Бу ердаги тўкин-сочинликни кўриб, тўғриси, отангизнинг ишбилармон-уддабурон инсон эканликларига қойил қолдик. Кейин билсак, Ғузор бозорида ҳам дон-дун деярли қолмаган, барчасини ҳукумат кишилари ушлаб қолиб, давлатга топшираётган экан.

Ўшанда отангиз Рихсибой ҳар иккимизга бир пуддан буғдой, ярим пуддан мошни арзон нархда жамлаб бердилар. Поездгача кузатиб қўярканлар, ҳар биримизга 10 тадан нон, сузма, қурут, туршак сингари емишлар бериб юбордилар. Отангиз мулла Пўлат Йўлдошҳожи ўғлининг ана шу саховатлари туфайли қўшним иккимизнинг оиламиз тут пишиғига эсон-омон етиб келишди, ўлим бўлмади. Сиз шундай иззат-икромга лойиқ инсоннинг фарзандисиз. Шунинг учун сизни бутун оиламиз билан қадрлаймиз, - деб ҳикоясини якунлади Тўлаган ота.

Ҳикояни эшитар эканман, яхшилик инсон хотирасидан ўчириб бўлмайдиган ноёб нарса эканлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, фахрий педагог.

Спорт

Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионатида қатнашади

Наманганда жорий йилнинг декабр ойида бўлиб ўтадиган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг минтақавий саралаш турнири ниҳоясига етди.

Жаҳон чемпионатига бериладиган икки йўлланма учун ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, Александр Ненашев ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ўртасида қизғин кураш бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ғолиб чиқди.

ЎзА.

Тарихдан тариқдай

А.ҲАЙИТМЕТОВ

ОГАҲИЙНИНГ «УСТИНА»СИ НАВОИЙНИНГ «ҚУЁШ...»ИДАН БАҲРА ОЛГАНМИ?

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз шеърлари билан ўзига ҳайкал қўйган, дейиш мумкин. Айниқса, унинг «Феруз» куйи билан ижро этиладиган, «устина» радифли ғазали ижодининг гултожи, десак, хато бўлмайди.

Шарқда шеърдаги, хусусан ғазалдаги энг яхши байт, «шоҳбайт» деб аталади. Бу ғазалнинг шоҳбайти эса:

**Эй шоҳ, карам айлар чоғинг тенг тут ямону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.** -

деган байтидир. Чунки Огаҳийнинг инсонлар орасида тенглик, инсонпарварлик бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоялари бу байтда ўзининг энг ёрқин бадиий ифодасини топган. Шоир маъшуқани шоҳ қиёфасида гавдалантириб, уни жамиятда яхшилик нурларини улашишда қуёш (меҳр)дан ўрнак олишга, бировга кўп, бировга оз сочмасликка даъват этмоқда.

Огаҳий шеърий маҳорат сирларини эгаллашда биринчи навбатда Алишер Навоийдан кўп нарса ўрганган эди. Навоий ғазалларига энг кўп мухаммас боғланган шоирлардан бири ҳам Огаҳийдир. Унинг 33 мухаммаси Навоий ғазалларига боғланган. Бугина эмас. Огаҳийда Навоий байтларига мазмунан ва шаклан ниҳоятда ҳамоҳанг байтларни ҳам учратиш мумкин. Бунга Навоийнинг «Ғаройибус - сиғар» девонидаги мана бу байт яхши мисол бўла олади:

**Элга меҳринг бор, бузуқ кўнглимга ҳам бир зарра боқ, -
Ким қуёшнинг тобидин маҳрум эмас вайрона ҳам.**

Маълумки, шоирлар бир-биридан чўғ олиб, ранг олиб шеърият гулшанини яшнатади. Менимча, «устина» радифли ғазалини ёзишда Огаҳий маълум даражада Навоийнинг қуёш ва унинг нури ҳақидаги «Ким қуёшнинг тобидин маҳрум эмас вайрона ҳам», - деган мисрасидан илҳомланган бўлса ажаб эмас.

Мели НОРМАТОВ

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

* Дунёда энг ёмон хўрлик ва азоб - биров томонидан камситилиш ҳамда ўзингдан паст раҳбар қўлида тобе бўлиб ишлашдир. Ношуд ва нобоп амалдор ўз атрофига хушомадгўй ва лаганбардор кимсаларни тўплайди. Ўзидан хиёл баланд ходимни эса яқинига ҳам йўлатмайди.

* Улғайганинг сари насиҳатомуз гап-сўзларга мойиллик ортади. Аммо суҳбатдошингга насиҳатинг малол келса-чи?!

* Барча экканини ўради. Арпа сочиб буғдой ўрган борми?!

* Отам ҳам пулим, онам ҳам пулим, - деб аюханнос солиб юрувчилар яхши англаб, қулоқларига қуйиб олсинларки, дунёда бойлик билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ҳам жуда кўп...

* Имкон қадар ота-онангиз билан бир идишда таом еманг. Улар сизга илиниб, тезда қўлларини артадилар. Бу эса катта гуноҳдир!

* Халқ ўртасида бир йигитга қирқ ёки етмиш ҳунар ҳам кам, деган нақл бор. Эҳтимол, бу тўғридир. Лекин бунчалик кўп ҳунарни чала билгандан кўра, биттасини мукаммал эгалламоқ минг марта аълодир.

* Бир болага етти қўшни ота-оналик қилармиш. Бу жуда яхши. Бироқ қўшниларингиз нобоп бўлса-чи?!

* Бир танишим ҳар кўришганда албатта кимнингдир иғвосини қилади. Кейинги учрашганда лом-мим демай турарди. Нима учун бундай бўлди, деб суриштирсам, иғво қилмаган одами қолмабди.

* Ота-онангиз меҳнатини ақалли паррандалар ҳаёти ила қиёсласангиз ҳам ҳақиқатни тезда англаб олишингиз мумкин.

* Оч қорним - тинч қулоғим, дейдилар. Атала-буламиқ ичинг, қоқ нон енгу, ҳамиша хонадонингизда тинчлик, хотиржамлик, саломатлик барқарор бўлсин!

* Бировга баҳо беришда чинакам заршунос бўлинг. Ақл тарозисида қайта-қайта ўлчаб, кейин хулоса қилинг!

* Баъзи ота-оналар қилган панд-насиҳатларимга ҳатто эшак мулло бўларди, дея фарзандларидан нолиб юрадилар. Минг афсуски, улар инсонни тарбиялаётганларини унутиб қўядилар.

* Бузоқнинг қочгани сомонхонагача, деб рақибингизга менсимай қараманг. Панд еб қоласиз!

* Бир бош бало бош. Икки бош, қозон ос, дейдилар. Ҳеч қачон сўққабош яшашни ҳавас қилманг!

* Бир кишига кўмаклашгингиз келса, сидқидилдан қилинг. Савоб уволга айланмасин!

* Одатда бирон тўсиққа дуч келганимизда вақтинча, ўтиб кетади демасдан, ўзимизнинг ҳам омонатлигимизни ўйламоғимиз лозим!

* Энг яхши дўстинг вақти келиб хавфли душманга айланишидан ўзингни сақла!

Ахлоқ - одоб маҳаллада, оилаларда шаклланадиган азалий тушунчадир. Ёшлар шуурида абадий из қолдирадиган таълим-тарбия, хулқ-одоб ҳам дастлаб шу кичик жамиятда таркиб топади, шу муҳитдан сув ичади. Ота-онани эъзозлаш, уларнинг дуосини олиш нафақат ахлоқимиз, маданиятимиз кўриниши ҳамдир.

Ш. АКРАМОВ олган сурат.

Наманган

Хат-хабар

Маҳаллалар марказлари радиолаштирилди

Шаҳар ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан Наманган шаҳрининг кўплаб маҳаллалари марказларида янги радиокарнайлар ўрнатилди. Жумладан «Истиқлол», «Чинор» ва бошқа маҳалла марказларида радиокарнай овози бутун маҳалла бўйлаб таралмоқда. Аҳоли мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим янгиликлардан маҳалла гузарларида, кўча-кўйда кетатуриб ҳам хабардор бўлмоқдалар.

Абдуллажон МИРЗАЕВ, пенсионер.

Шеърият булоғидан

Ҳусанжон АМИН

ҲАЖР ЮКИ

Қизим Нилуфар хотирасига

**Ҳажр юки сарв қоматим шикаст айлади,
Фарзанд доғи юрагимни хаст айлади.
Кўз ёшларим кўл этибон ҳар эрта-кеч,
Ғаму алам дил поралаб паст айлади.
Ёлғиз Оллоҳ иши дедим, таскин топдим,
Жон-жонимга армон тиғи қасд айлади.
Навбат келиб, мен ҳам кеттум боқий дунёга,
Қисматимни қаро кунга даст айлади.
Хоки туроб шу тупроқда, ҳаёт гувоҳдир,
Шул азал тақдир ҳукми, барчага хос айлади.
Айб айламанг, аё дўстлар, шуаро аҳлин,
Ўлим ҳақ деб, ҳаёт ҳақ деб рост айлади.**

***

**Бекорга ҳавасларга берилма, болам,
Молу давлатлардан керилма, болам.
Бу ҳаёт шундайин эврилма, болам,
Ақлу одобликни хуш кўрар замон.
Тоғлар чўққисида доим қор бўлар,
Интилганга билгин, толъе ёр бўлар.
Қадрини топтаган ўзи хор бўлар,
Ақлу одобликни хуш кўрар замон.
Отанг ҳам, онанг ҳам беш кунлик меҳмон,
Уларни йўқлаш-чун топгин сен имкон.
Панду ўгитларга муҳтождир инсон,
Ақлу одобликни хуш кўрар замон,
Қалбингда яшасин иймон, диёнат,
Бу йўлда ҳеч қачон қилма хиёнат.
Манқуртлик ҳаётда ўта разолат,
Ақлу одобликни хуш кўрар замон.**

ҲАЖР ЮКИ

Қўй (21.03-21.04). Ҳафта сиз учун ҳар жиҳатдан хайрли келади. Шанба куни ишқнинг ширин можароларига рўбарў бўласиз. Жума битимлар тузиш учун қулай. Ҳафта охирида бироз толиқиш сезасиз.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафтангиз хайрли бошланди. Шу боис асосий ишларингизни душанба, сешанба кунларига мўлжаллаган бўлсангиз, тўғри қилдингиз. Қолган кунлар анча нари-бери, жума куни бир мужда эшитасиз. Шанба, якшанба кунлари можаролардан ўзингизни четга олиб юрганингиз маъқул.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафтани ўзингиз учун мақбул битим тузиш билан бошлайсиз. Сешанба куни андак нохушлик рўй берган бўлса, бу нохушликни пайшанба куни бир гўзал хилқат билан учрашувингиз ювиб кетади. Шанба, якшанба ҳам сизга қойилмақом кундир.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Умуман, бу ҳафта барча жиҳатдан қулай. Чоршанбада мақбул келишувга эришасиз. Ҳафта охирига бориб, мўмай даромадга эга бўласиз. Хуллас, ҳафта сизники.

Арслон (23.07-22.08). Чоршанба куни соғлиғингизга бироз путур етиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан ҳаммаси изга тушиб кетади. Шанба куни яхшилаб ҳордиқ чиқаринг. Якшанба куни маҳбуб ёки маҳбубангиз кўнглини овланг.

Паризод (23.08-22.09). Ҳафта хушхабарлар билан бошланган бўлса, ажаб эмас. Чоршанба куни бир хилқат билан учрашасиз. Қолган кунлар ҳам сиз учун хайрли. Шанбада яхши келишувга эришасиз.

Тарози (23.09-22.10). Ҳафтанинг биринчи ярмида келгуси режаларингиз хусусида бир битимга келасиз. Қолган кунлари соғлиғингиз ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўринг.



Чаён (23.10-22.11). Чоршанбани ҳисобга олмаганда қолган кунлар сиз учун қулай. Ҳафта ўртасида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Шанба куни ўзингиз учун мақбул битим тузасиз.

Ўқотар (23.11-21.12). Чоршанба, жума куни турли-туман дараклар эшитасиз. Шанба куни яхшилаб ҳордиқ чиқаринг. Билакс, якшанбада, соғлиғингиз панд бериши мумкин.

Тоғ эчкиси (22.12-19-01). Чоршанба дам олиш учун қулай. Жума куни ўзингизни лоҳас сезасиз. Шанбада сизни хушхабарлар кутмоқда.

Қовға (20.01-18.02). Ҳафта сиз учун умуман олганда яхши келади. Чоршанба куни ишқий можаролар кутмоқда. Жумада яна бир мужда эшитасиз. Шанба куни соғлиғингиз ёмонлашади. Шунинг учун яхшилаб дам олишга ҳаракат қилинг.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафтанинг қолган кунлари сиз учун қулай. Пайшанбада мўмай пул топасиз. Жумада фаолиятингиз чўққига чиқади. Дам олиш кунлари яхши ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилганингиз маъқул.

Эълон

Топган қуруқ қолмайди...

«Улгуржиматериалтехникатаъминоти» корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри, тўртбурчак тамғаси ва улар билан бирга йўқолган ҳужжатларни топиб эгасига қайтарганлар моддий рағбатлантирилади.

Тошкентдаги телефонлар: 30-46-28, 30-94-33.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Сахифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220

Топширилди—20.30